



# O'ZBEKISTON OVOZI

## «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДИ ТАРБИЯЛАШ — МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ — РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Тошкент шаҳри, 2012 йил 16-17 февраль

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва глобал рецессиянинг таҳдид солаётган янги тўлқини дунёнинг аксарият давлатларига ҳамон ўз таъсирини кўрсатаётган бугунги кунда жаҳон барқарор иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланишга эҳтиёж сезмоқда.



16-17.02.2012. TOSHKENT

деллари тақдорланмаган ҳамда улардан нусха кўчирилмаган ушбу дастур ўтмишда мажбуран сингдирилган коммунистик мафкуранинг қолпи ва андозаларидан бутунлай воз кечиш, одамларнинг, биринчи навбатда, униб-ўсиб келаётган авлоднинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, ҳаётда ўз фикрига,

Бундай шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва кўйилмаларнинг ўсиши, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига кўйдиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан Тошкентда 2012 йил 16-17 февраль кунлари халқаро ҳамжамиятни Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари, юксак билимли ҳамда интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялашда давлатнинг роли ва бу борада тўпланган тажриба билан кенг таништириш мақсадида «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт эиттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

Конференция қатнашчилари мамлакатимиздаги қатор умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишди.

Конференция таълим тизимининг умумий ўрта таълимни ривожлантириш, ўрта махсус, касб-хунар таълими самарадорлигини ошириш, унинг меҳнат бозори билан алоқасини кучайтириш, олий таълим тизимини юксалтириш, таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари хорижий эйтиш, олий таълим тизими ҳамда илм-фан ҳамкорлигини кучайтириш ва узлуксизлигини таъминлаш, таълим жараёнида маданиятнинг ўрни каби асосий масалалар бўйича таълим аламлиши имконини берди.

Халқаро конференцияда қарийб 1000 нафар иштирокчи, жумладан, дунёнинг 48 давлатидан, 8 халқаро ташкилот ва таълим жамғармаларидан 270 нафар вакил иштирок этди. Ушбу нуфузли форумда БМТ Бош қотибининг ўринбосари, Осиё тараққиёт банки президенти, Ислам тараққиёт банки президенти, қатор хорижий мамлакатлардан вазирлар, соҳага тегишли кўмиталар раҳбарлари ва парламент депутатлари қатнашди.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистонда Таълим соҳасини ислох қилиш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳияти қисқача баён этилган нутқи халқаро конференция ишида муҳим аҳамият касб этди.

Халқаро илмий-амалий конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг таълим тизимини ислох қилиш борасидаги тажрибасини ўрганиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг нутқида баён этилган таълим тизимини ислох қилишга оид принцип ва ёндашувларни тўлиқ қўллаб-қувватлайдилар:

Бундан 15 йил олдин (1997 йилда) қабул қилинган, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислох қилиш дастури мамлакатда янги ҳамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислохотларнинг Ўзбекистон таллаган «Ўзбек модели»нинг ажралмас таркибий қисми экани алоҳида таъкидланди.

Жаҳондаги демократик, тараққиёт топган мамлакатлар тажрибасини умумлаштирган ва айна пайтда бошқаларнинг мо-

● Бугун юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга, билимли, самарали меҳнат қилишга қодир фуқаролар жамиятнинг энг муҳим бойлиги ва асосий капитали, уни ҳаракатга келтирувчи кучига айланиб бормоқда. Айна шу боис XXI аср — интеллектуал билимлар асрида инсон капиталига инвестициялар йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат том маънодаги билимли жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади.

● Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорига рақобатбардорлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки, биринчи навбатда, замонавий, мунтазам янгиланиб турган технологияларни ўзлаштиришга қодир юксак билимли ва интизомли ишчи кучини мунтазам тайёрлашга боғлиқдир. Бундай ишчи кучисиз иқтисодиётнинг оқори технологияларга асосланган замонавий тузилмаларни шакллантирадиган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиб бўлмайди.

— Ўзбекистонда кўплаб соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш, одил судловни амалга ошириш борасидаги изчил ислохотлар бераётган юксак самаралар билан танишиш имконига эга бўлганимиздан мамнунмиз, — деди Пекка Илмари Халлберг. — Ўзбекистон билан мазкур соҳадаги алоқаларни келгусида янада ривожлантириш ниятидадим.

Учрашувда икки мамлакат суд-ҳуқуқ идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқбол, мазкур соҳадаги алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди.

Шу кунги финляндиялик меҳмонлар Мустақиллик майдонида бўлиб, бу ерда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишдилар, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

ЎзА

## ЎзХДП ташаббуси билан



Суратларни Владимир Гончаренко тасвирга туширган.

# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

мавзусида Тошкент вилоятида навбатдаги форум ўтказилди

■ Маълумки, Ўзбекистон Халқ демократик партияси ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда имконияти чекланган кишиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг сиёсий-иқтисодий билимини ошириш ва янги иш ўринлари очишда кўмак бўлиш учун қатор тадбирларни амалга оширмоқда.

лар ҳақида зарур тушунчага эга бўлишди.

— Партияимиз Марказий Кенгаши ташкил этган иқтисодий форумлар ўз мевасини бермоқда. Буни электорат учун муҳим бўлган янги иш ўринлари очилаётгани, фуқаролар барқарор иш ўрни ҳамда даромад манбаига эга бўлаётганида қўриш мумкин, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Бу йил ҳам партия ўз олдига қўйган вазифадан оғишмай, имконияти чекланган кишилар ҳамда кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга муносиб ҳисса қўиш ниятида.

Президентимизнинг ёлғиз кеккисалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни яна-

да кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори талаблари ва оила мустаҳкамлигининг муҳим шарт бўлган фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва тиббий билимини янада ошириш, жисмоний имконияти чекланган фуқароларга яқиндан кўмак бериш мақсадида мазкур форумлар давом эттирилди.

— Ўз ишимни йўлга қўйиб даромаднинг оширишдан, деган киши учун банк тизимида қатор қулайлик ва имтиёзлар яратилган. Бу эса оилавий тадбиркорлик ривожига муҳим омил бўлапти, — деди Марказий банкнинг Кичик бизнесини қўллаб-қувватлаш мувофиқлаштириш департаменти директори Актам Сайфуллаев. — Рақамларга мурожаат қилсак: ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банклар тўрт триллион 41 миллиард сўмдан ортқ маблағ йўналтирди. Бу — 2010 йилга нисбатан 1,5 баробар кўп. Маблағларнинг 293 миллиард сўми Тошкент вилояти улushiга тўғри келади. Шунингдек, кредит олиш ва уни расмийлаштириш бўйича қатор имтиёзлар яратилди. Хусусан, яқка тартибда бўладими, юридик шахс мақомига эга тадбиркор бўладими, давлат рўйхатидан ўтгач, умуман, ҳақ ундирмасдан банкда ҳисоб рақами очилади. Бундан ташқари, кредит аризасини кўриб чиқиш муддати ҳам кескин қисқарди. Ўрни, микроиловиявий хизматлардан фойдаланиш учун кредит ажратишни кўриб чиқиш муддати илгари 10 кун бўлган, ҳозир эса кредит олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни банк 3 кун ичида кўриб чиқади. Ўйлаймизки, бу имкониятлар аҳолининг ишбилармонлик қобилиятини рўбга чиқаришда қўл келади, янги иш ўринлари очилишига хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда.)

Тошкент вилоятининг Зангиота тумани марказида ўтказилган иқтисодий форумда ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Марказий банк ва қатор тижорат банклари масъуллари, вилоят партия кенгаши фаоллари, оилавий бизнесини йўлга қўйишни истаганлар, хунар-майдончилик ва касаначилик билан

шуғулланаётган электорат вакиллари қатнашди.

Форум доирасида ташкил этилган иқтисодий ўқувда тижорат банклари мутасаддилари микроиловиявий хизматлар кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари, касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва бошланғич сармоияни шакллантиришга кредитлар ажратиш қоидалари ва амалиёти ҳақида батафсил маълумот беришди. Иштирокчилар бу борадаги иш-



## ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч

# ҚУЙИ БЎҒИН ФАОЛ БЎЛСА

бундан партия ҳам, электорат ҳам манфаат кўради

■ Қарши шаҳар партия кенгаши 150 та бошланғич ташкилотни бирлаштирган. Қабул қилинаётган қонун ва қарорлар тарғиботи, электорат билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, уларнинг муаммоларини ўрганиш ва ечим бўйича тақлифлар билдиришда Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказидаги бошланғич ташкилот бошқаларга ўрнатиш бўлмоқда.

Натижада партия аъзоларининг ижтимоий фаоллиги ошмоқда, хайрихоҳларимиз кўпаймоқда.

— Муассаса ходимларининг 51 нафари ЎзХДП аъзоси, — дейди бошланғич партия ташкилоти етакчиси Тўхтагул Аминова. — Улар вилоят ва шаҳар партия кенгашлари томонидан ўтказиладиган тадбирларда, жамоат ишларида доимий иштирок этади. Шунингдек, ёлғиз кексалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга кўмаклашиш ишларига бошланғич партия ташкилотимиз муносиб қатнашади. Бизнесинг асосий ишимиз уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, албатта. Жорий йил-

— Партиянинг самарали ишлаши, аҳоли орасида обрў-эйтибори ошиши кўйи бўғин фаолияти билан чамбарчас боғлиқ, — дейди шаҳар партия кенгаши раиси Рашид Муртазоев. — Чунки улар электорат билан ҳамдам ва ҳамнафас, уларнинг ўй-ташвишларига шериқ бўлади. Шу боис, фао-

да оилада соғлом турмуш тарзи тарғиботига бағишланган тадбирларни кучайтириш ниятидадим. Бу борада тушунча қанча бой бўлса, шунча яхши. Шу боис, яқинда «Соғлом оила асослари» мавзусида тадбир режасини ишлаб чиқдик. Унда малакали шифокорлар ва депутатлар иштирок этиб, соғлом оилани шакллантириш омиллари, хусусан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда эътибор бериладиган асосий жиҳатлар муҳокама этилди. Тадбир давомида мавзуга алоқадор махсус кўланмалар тайёрлаб, уларни қатнашчиларга тарқатмоқчимиз.

— Бир неча йилдан бери

шу ерда меҳнат қиламан, — дейди ҳамшира Шарофат Ражабова. — ЎзХДП бошланғич ташкилот ташаббуси билан ўтказилган тадбирларда доим иштирок этаман. Мақсад ва ғоялар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга йўналтирилган амалий ҳаракатлари маъқул келиб, ХДПга аъзо бўлганман. Шундай экан, партия аъзоси сифатида унинг ғоя ва мақсадларини амалга оширишда фаол иштирок этишим лозим.

Дарҳақиқат, партия аъзоларининг ҳар бири ўз бурчини чуқур англаса, сиёсий ҳуқуқий билими юқори бўлса, партия ғояларини амалга оширишда шунча фаол иштирок этади. Партиянинг бундай аъзолари қанча кўп бўлса, у шунча кучли, мустаҳкам бўлади.

Лазиза ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

## ОЛИЙ СУДАДА УЧРАШУВ

■ Мамлакатимизга ташриф буюрган Финляндия Республикаси Олий маъмурий суди президенти Пекка Илмари Халлберг раҳбарлигидаги делегация аъзолари 22 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Олий судида бўлди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Финляндия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари кўплаб соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимида ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди.

Учрашувда Финляндия делегацияси давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталари кўша мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузасида илгари сурилган ғоялар, белгилаб берилган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришга оид устувор йўналишлар билан атрофлича таништирилди.

Финляндиялик меҳмонлар Ўзбекистонда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, халқаро стандартларга мос ҳолда қабул қилинаётган қонунларга юксак баҳо бердилар.

— Ўзбекистонда кўплаб соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш, одил судловни амалга ошириш борасидаги изчил ислохотлар бераётган юксак самаралар билан танишиш имконига эга бўлганимиздан мамнунмиз, — деди Пекка Илмари Халлберг. — Ўзбекистон билан мазкур соҳадаги алоқаларни келгусида янада ривожлантириш ниятидадим.

Учрашувда икки мамлакат суд-ҳуқуқ идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги аҳоли ва истиқбол, мазкур соҳадаги алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама қилинди.

Шу кунги финляндиялик меҳмонлар Мустақиллик майдонида бўлиб, бу ерда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишдилар, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

ЎзА

# «ЮКСАК БИЛИМЛИ ВА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНГАН АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ — МАМЛАКАТНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ» МАВЗУИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ЯКУНИЙ ҲУЖЖАТИ — РЕЗОЛЮЦИЯСИ

● Ҳар қандай давлат мамлакатининг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтиришдан манфаатдор бўлмоғи керак. Глобаллашув даврида билимликлик мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ва унинг миллий бойлигини кўпайтиришнинг муҳим таркибий қисмига айланмоқда, аҳолининг юксак маънавий даражаси эса одамларда ҳуқуқий маданиятни, эркин ва демократик ҳуқуқий давлатда яшаш ҳамда меҳнат қилиш қобилиятини шакллантириш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англаш, улардан шахс, давлат ҳамда жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш имконини беради.

● Миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунаштириш зарурлигини англаб етган, замонавий билим, интеллектуал салоҳият ва илгор технологияларга эга одамларгина ривожланиш борасида ўз олдига қўйган стратегик мақсадларга эриша олади.

● Жамиятда билимли, маълумотли ва юксак интеллектага эга одамларнинг мавқеини ошириш; таълим ва касб-ҳунар дастурларининг жаҳондаги таълим, илм-фан, техника ва технологиялар, иқтисодиёт ҳамда маданият соҳасидаги замонавий ютуқларга мувофиқлиги; таълимни ёшларнинг келажакдаги амалий меҳнат фаолияти билан узвийлигини таъминлаш; таълим олаётган ўқувчи-ёшлар онгида умуминсоний қадриятлар, юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлаш устуворлигини шакллантириш; таълимнинг миллий тарих, халқ аънаъналари ва урф-одатлари билан муштараклиги, бошқа халқлар тарихи ва маданиятини ҳурмат қилиш таълим тизимини ислох этишининг асосий принциплари бўлиши лозим.

● Таълим соҳасида, ҳам ушбу соҳада меҳнат қилаётганлар, ҳам замонавий кадрлар талаб қилинадиган тармоқлар вакиллари ўртасида халқаро ҳамкорликни мунтазам ривожлантириш зарур.

**Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг куйдаги йўналишлар бўйича тажрибасини алоҳида эътироф этиши ва чуқур ўрганиш лозимлигини таъкидлайди:**

● Мактаб таълими мамлакатда яшаётган асосий миллатлар эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда етти тилда — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб борилиши.

● 9+3 схемаси бўйича ноёб 12 йиллик умумий бепул таълим тизимининг жорий этилиши. Бунда умумтаълим мактабидидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида иختисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири меҳнат бозорига талаб қилинадиган 2-3 мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни эгаллайди. Бу ўқувчиларга иқтисодиётнинг энг иқтибодли ва кўлам кенгайиб бораётган соҳаларида касб-ҳунар кўникмаларига эга бўлиш имконини беради.

● Бунда ҳар бир битирувчи мажбурий таълимдан сўнг ўз хоҳишига кўра, олий ўқув юртиларига ўқишни давом эттириши ва бакалавр ҳамда магистр даражасини олиши мумкин.

● Ҳар бир коллежнинг малакали ишчи кучи буюртмачилари бўлган муайян корхоналар билан яқин алоқани йўлга қўйгани. Бу келажакда таълим муассасалари битирувчилари меҳнат қиладиган корхоналарнинг эҳтиёжларини аниқлаш имконини беради.

● Республиканинг ҳар бир ўқув юртида оптик-толали алоқа линиялари асосида қурилган ягона Ziyonet ахборот-таълим тармоғига уланган ахборот-ресурс марказлари ташкил этилгани. Бу ўқувчиларнинг зарур ахборотлардан фойдаланиши, видеоконференциялар, семинарлар ўтказиш, масофадан туриб ўқиш ва ўқув машғулотлари учун мультимедиа аудиторияларини ташкил этишда кенг шароитлар яратиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон таълим тизимида технологиялар ва замонавий медиа ҳамда телекоммуникация воситаларидан фойдаланишга хизмат қилмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

● Ўзбекистон Республикаси Президентини раҳнамолигида ташкил қилинган махсус Жамғарма базасида болалар спортини ривожлантиришга устувор эътибор қаратиш. Спорт билан шуғулланиш ва болалар, жумладан, қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш бевосита Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг халқаро стандартларига йўналтирилган. Мамлакатда болалар ва ёшларни спорт билан шуғулланишга оммавий жалб қилиш бўйича уч босқичдан иборат, мактаб ўқувчилари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ўқувчилари, шунингдек, олий ўқув юртилари талабалари ўртасида ўтказиладиган мусобақаларни ўз ичига олган ноёб тизим яратилган.

**Конференция иштирокчилари куйдагиларни қайд этдилар:**

● Иқтисодий-маданий омилларни, таълим жараёни билан чамбарчас боғлиқ бўлган маданиятни тушунамаслик, унга етарлича баҳо беримаслик маданиятни фақат одамларнинг дам олишини ташкил этиш воситаси сифатида юзаси ҳамда бирёқлама тушуниш билан барбардир, бу иқтисодий онгни шакллантиришда уни етарлича баҳоламаслик олиб келади.

● Таълим тизимини ислох қилишда том маънодаги билимли, яхши тарбия қўлган ва маънавияти юксак одамларгина ҳар қандай, энг мураккаб муаммоларни ҳам зўра-воқиб ва адоватга берилмасдан ҳал этишга қодир эканини эътиборга олиш даркор.

● Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижаларини, уларнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг пировард натижаларига таъсирини баҳолашнинг кўрсаткичлари ҳамда мезонларини ишлаб чиқиш зарур.

**Халқаро конференция иштирокчилари Ўзбекистоннинг таълим тизимини ривожлантириш борасидаги тажрибасини ўрганиш бўйича тингланган ва муҳокама этилган маърузаларни ҳисобга олган ҳолда, куйдагиларни тавсия этдилар:**

● кадрлар тайёрлаш сифатини, уларнинг рақобатбардошлиги ва кадрларга бўлган эҳтиёжни ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратган ҳолда, миллий таълим тизимларини модернизация қилиш. Таълимнинг мавқеини шундай даражага етказишни таъминлаш керакки, билим олишга интилиш эш авлоднинг энг муҳим мақсади ва зифаларидан бирига айланиши лозим;

● Ўзбекистон мисолида ўқитувчилар ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами сифатида жорий этиш имкониятини ўрганиш. Бу баркамол шахсни шакллантириш ва тарбиялашда педагоглар меҳнатининг роли ва аҳамияти жамоатчилик томонидан эътироф этилишининг тасдиғи бўлиб хизмат қилади;

● таълим ҳар бир инсоннинг бутун умри давомида ҳаётининг таркибий қисмига айланиши имконини яратадиган улзуксиз таълим тизимини жорий этиш. Шу муносабат билан «Билим — бутун ҳаёт» давомида ҳар бир инсон учун» концепциясига асосланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этиш борасидаги Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш;

● аҳолининг, шу жумладан, олис кишлоқлардаги болалар ва ёшларнинг барча босқичда бепул умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олиш имкониятини кенгайтириш;

● таълим тизимини такомиллаштириш ва уни молиялаш манбаларини кенгайтириш. Давлат бюджетининг шу мақсадларга йўналтирилган харажатларига мамлакат миллий бойлиғи ўсиши учун сарфланаётган муҳим инвестицияларнинг сифатида қараш. Ҳар йили таълим соҳасини ривожлантириш ва ислох қилишга ялли ички маҳсулотнинг 10-12 фоизи ва Давлат бюджети харажатларининг 35 фоизини йўналтириётган Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш;

● таълим тизимини ислох қилишда Ўзбекистоннинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ташкил этиш, таълим муассасаларининг муайян корхоналар билан яқин алоқаларини йўлга қўйиш борасидаги тажрибасини ҳисобга олиш;

● таълим тизимларининг таълим, касб тайёргарлиги, илм-фан, маданият ва спорт баркамол ёш авлодни тарбиялашнинг муҳим таркибий қисмига ҳисобланадиган комплекс, кенг қамровли хусусиятларини таъминлаш;

● энг яхши хорижий олий таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш бўйича Ўзбекистонда фаол қўлланадиган келинаётган амалиётни ривожлантириш;

● иқтисодиёт таркибидидаги ўзгаришлар ва жамиятнинг муҳим эҳтиёжларига мувофиқ, ўқитувчи кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини узлуксиз ошириш бўйича самарали тизимни яратиш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтирган ҳолда ўқитувчилик касбининг нуфузини ошириш;

● ўқитишнинг барча босқичларида ўқув дастурларининг изчиллиги ва ўзаро мувофиқлигини таъминлаш. Ўқув дастурларида умумий ва кўшимча таълимнинг интеграциялашувини, шунингдек, ўқитиш мазмун-моҳиятини реал ҳаётий эҳтиёжларга максимал даражада яқинлаштиришни қўзда тутиш;

● халқаро стандартлар, замонавий илм-фан ва техника ютуқлари, амалга оширилаётган институцинал ва таркибий ислохотларнинг устувор йўналишлари, ўқитишнинг барча шаклларидаги интеграциялашувини инобатга олган ҳолда, ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини, ўқитиш методикасини мунтазам такомиллаштириш, табиий-илмий ҳамда инженерлик фанлари соҳасида ўқитиш компонентларини кучайтириш;

● таълимнинг жадал ривожланаётган ва юқори технологияли меҳнат бозорига эҳтиёж катта бўлган мутахассисларни тайёрлашга йўналтириш учун таълимнинг барча босқичларида табиий-илмий ва инженерлик фанларини ўқитишнинг амалий хусусиятига эга тизимини жорий этиш;

● барча ўқувчилар ва ўқитувчилар таълим жараёнининг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот ресурсларидан тўлиқ фойдаланишни таъминлаш, электрон ўқитишни кенг татбиқ этиш, ўқитишнинг янги технологик шакл ва услубларини яратиш;

● ўқитишнинг барча босқичларида хорижий тилларни ўргатишни кенгайтириш, бу ёшларнинг ахборот ресурсларидан кенг фойдаланишини, шунингдек, уларнинг халқаро меҳнат бозори шароитларига мослашишини таъминлайди.

● Халқаро конференция иштирокчилари Халқаро молия институтлари, донор мамлакатларга куйдагиларни тавсия этдилар:

● ривожланаётган мамлакатларга барча босқичдаги таълим тизимлари, жумладан, олий таълим тизимини ривожлантиришга техник кўмаклашиш учун грантлар ҳамда имтиёзли кредитлар ажратиш амалиётини кенгайтириш;

● таълим тизимини, жумладан, халқаро конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ўтказиш ва тажриба орттириш, шунингдек, мақолалар чоп этиш орқали ривожлантириш борасида жаҳондаги энг илгор тажрибаларни омаллаштиришга кўмаклашиш;

● ривожланаётган мамлакатларга дунёнинг тараққий этган давлатларидаги ўқув юртилари ва илмий муассасалар билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишда кўмаклашиш;

● Конференция катнашчилари Ўзбекистон Республикаси ҳукумати га маъмур анжумани юксак савияда ташкил этгани ва ўтказгани учун миннатдорлик билдиради.

● Конференция Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримовнинг таълим технологияларини ривожлантириш ва меҳнат бозоридидаги шароитларнинг тез ўзгариб бораётганини эътиборга олган ҳолда, таълим тизимини юксалтириш ва модернизация қилиш жараёнида экспорт-мутахассисларнинг доимий мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистонда «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзусидаги халқаро конференцияни мунтазам ўтказиш борасидаги тажрибасини қўллаш қувватлайди.

## ЎзХДП ташаббуси билан

# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

мавзусида Тошкент вилоятида навбатдаги форум ўтказилди

### СЎЗ — ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Форумда 30 нафар имконияти чекланган фуқарога тижорат банкларидан имтиёзли кредит олиши учун сертификат топширилди.

— Паркент туманида истикомат қилман, — дейди **биринчи гуруҳ ногирони Ботир Эгамбердиев**. — Оиламиз чорвачилик билан шуғулланади. Ишимизни кенгайтириш учун бизнес-режа тузган эдим. Бизга «Микрокредитбанк»дан имтиёзли кредит олиш учун сертификат берилди. Бундан мамнунман.

— Устахонада пойабзал тикаман, — дейди **Чирчик шаҳрида яшовчи Саидамир Пардаев**. — Фаолиятимни ривожлантириш учун керакли дастгоҳларга эҳтиёж сездим. Бугун менга берилган сертификат шу ниятимни рўёбга чиқаришда таянч бўлади.

### КЎРГАЗМА

Турли туманлардан келган тадбиркор, касаначи, оилавий бизнес вакиллари ва хунармандлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар кўргазмаси ёшлар тажриба ўрганиши учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Кўргазмада ўн бешдан ортиқ тадбиркор ҳамда мулкчиликнинг турли шаклларида ўз ишини йўлга қўйган хунарманд, касаначи ва кичик бизнес вакиллари иштирок этди.



— Хунарни онамдан ўрганганман, — дейди **Сурайё Довунова**. — Коллежда ҳам бу хунарни сир-асрорини ўрганиб, билимимни ошираман. Ўзим тиккан дўппилар билан турли хил ўрик-танловларда қатнашиб келаман. Дўппи ўзимизнинг миллий кийим. У қизларнинг хунсига хус қўшади, уларда миллий хунармандчилигимиз, урф-одатларимизга ҳурмат уйғотади.

— Кўп йиллардан буён тикувчилик қилман, — дейди **Зангиота тумани «Эркин» кишлоғида яшовчи Нафиса Ҳожимуратова**. — Тикан либосларимни келин-қизлар эғнида қўриб қувонаман. Тикувчиликка қизиқадиган қишлоқдошларимга бу хунарни кўн билан ўргатаман. Ёш қизлар, ўй бекалари бекор юрмасин, оиласига нафи тегсин, дейман. Президентимиз яқинда, халқаро

(Давоми. Боши 1-бетда.)



анжуманда айтганидек, хунарни хотин-қизлар ҳаётини беэади. Уларнинг турмуши чиройли, оиласи фаровон бўлади.

### МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

Форум доирасида тижорат банкларининг микроолиявий хизматлар кўрсатиш бўйича услубий ва методик материаллари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Бу иштирокчилар учун янада фойдали бўлди.

— Кўндан буён назарий ва амалий жиҳатдан уйғун бўлган бундай тадбирларда қатнашмаганим, — дейди **паркентлик тадбиркор Ботир Бекмуродов**. — Форумда, айниқса, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган одамлар кўп фойдали маслаҳат олишди. Мана имкон, мана шарт-шароит. Ҳозир банklar хизмати билан яқиндан танишиб, қимматли маълумот оламан. Бу эса кейинги ишимда асқотади.

— Болалигимда оёғим қаттиқ лат еган, — дейди **Ҳалима Эрназарова**. — Шундан буён аравачада юрарман. Яқинларимга оғирим тушмасин дейман. Шунинг учун кўн билан тикувчиликни ўргандим. Бугун атрофимда шогирдларим талайгина. Энди кичик цех очиш ниятидаман. Ногирон бўлишига қарамай, кўндан иш келадиган кўплаб хотин-қизлар ишли бўлишига ҳисса қўшмоқчиман. Бунинг учун маблағ керак эди. Банк ходимларидан фойдали кўрсатма ва маслаҳат олдим.

— Форум доирасида, шунингдек, **бўш иш ўринлари ярмаркаси** ташкил этилди.

— Ярмаркада 52 та корхона 927 та бўш иш ўрни билан қатнашди, — дейди **Зангиота туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази раҳбари Муродбек Шукуров**. — Ярмаркада иштирок этганлар ўз соҳа ва ўзларини қизиқтирган касб бўйича тақлиф этилган бўш иш ўринлари билан танишди. Айниқса, вақтинча ишсиз хотин-қизлар, ёшлар ва партия электратни вакиллари бу имкониятдан хурсанд бўлишди. Бизга мурожаат қилган 480 нафар фуқаронинг 275 нафари турли корхона ва ташкилотларга йўналма олишди. 120 нафари корхоналар билан меҳнат шартномаси имзолади.

— Зангиота туман ижтимоий-иқтисодий коллежини тамоляман, — дейди

**Марғуба Тўйчиева**. — Ҳозир ярмаркада тақлиф этилаётган иш ўринлари ҳақида тақлиф этилди. Бу шартнома ишга жойлаштиришга қаролат бўлади.

— Корхонамиз ўтган йили иш бошлади, — дейди **«Броза груп» қўшма корхонаси ходими Муяссар Раҳмонова**. — Хотин-қизлар учун бўш иш ўринлари билан қатнашмаганимиз. Корхонада турли кийим-кечак тикиб чиқарилади. Биз шу соҳада таълим олаётган битирувчи қизларга фаолиятимиз, иш тартиби, ишчиларнинг имконият ва бурчлари ҳақида тушунча бердик. 10 дан ортиқ хотин-қиз корхонага йўланма олди.

Бундай фикрларни кўплаб кишилардан эшитдик. Демак, кўзланган мақсадга эришилди. Иш беришга ўзидан мавжуд иш жойларини тўлдирганидан, ишсиз киши эса ўзига маъқул иш топганидан хурсанд.

### ДЕПУТАТЛАРНИНГ КЎЧМА ҚАБУЛХОНАСИ

Форум дастурига бундан кўчма Жамоатчилик қабулхонасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фуқароларни қабул қилди.

Бўстонлик туманидан Саттор Нейматов коммунал хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, табиий газдан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш масаласини кўтарди. Келес шаҳри «Ободли» маҳалласидан Нуртожи Абдуназарова ўша ҳудудда йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ масалалар бўйича тақлифини илгари сурди. Тожиниса Холматова коллеж битирувчиси экани, уч томонлама шартнома имзолашда бироз тушунмовчилик бўлаётганини маълум қилди. Яъни, раҳбарият қорхоналар билан шартномани диплом беришдан аввал талаб қилади. Корхоналар эса диплом қўлга берилмасдан туриб шартномага имзо қўйишни маълум қўрмайди...

Депутатлар бу каби мурожаатларни диққат билан тинглашди. Электратни ўйлантираётган масалалар юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгилана олишди. Форум ййилганларда катта таассурот қолдирди.

**Гулрух ОДАШБЕКОВА, Лазиз ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.**

## Партияларо баҳс

# ДЕПУТАТ БЎЛИШДАН МУДДАО НИМА ЭДИ?

Боёвут туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи бу саволга қандай жавоб бераркин?..

■ Президентимиз илгари сурган Концепцияда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни жадаллаштириш долзарб вазифа этиб белгиланган. Бу борада муҳим ғоя ва қонунчилик ташаббуслари тақдим этилган. Уларнинг ҳаётга татбиқ этилиши сиёсий партиялар, улардан сайланган барча даражадаги депутатлар зиммасига жиддий вазифалар юклади. Сиёсий партия фаоли, ҳар бир депутат бунчи чуқур англаши, ижросига масъулият билан ёндашиши зарур.

Маҳаллий Кенгаш депутатлари ўз партияси ғоялари амалга ошириш учун ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятини атрофлича ўрганиши, электратни ўйлантираётган масалаларга маҳаллий ҳокимлик ва мутасадди идоралар эътиборини қаратиши, айни пайтда, уларнинг ечимли бўйича тақлиф билдириши, ташаббус кўрсатиши керак. Ҳозир ҳар бир депутатдан шу мезон асосида ишлаш талаб этилаётир.

Маҳаллий Кенгаш депутатлари маҳаллий ҳокимият фаолиятини назорат қилиши, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида фаол иштирок этиши учун ҳуқуқий асос яратилган. Бир сўз билан айтганда, партия ғоявий мақсадларини амалга ошириш, самарали ҳимоя этиши учун

этиб, ҳулоса чиқарадиган бўлсақ, ижобий фикр айтиш кийин. Ўтган даврда туман Кенгашининг 8 та сессияси бўлган. Уларда туман ривожини билан боғлиқ турли масалалар муҳокама қилиниб, бу борада тегишли қарорлар қабул қилинган. Мазкур қарорларда ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечиш, хусусан, аҳолини иш билан таъминлаш ва бошқа тегишли давлат Дастурлари ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан доимий комиссияларга 8 та, туман Кенгаши сессиясига 2 та масала киритилган. Аммо таҳлиллар кўрсатишича, ЎзМТДП депутатлик гуруҳи ҳудуддаги партия электратни муаммоларини ўрганиш, доимий комиссияларга олиб чиқишда суст-кашликка йўл қўймоқда. Партия Сайловолди дастурида белгилаб олинган вазифаларни бажаришда депутатлик гуруҳи фаолиятида камчиликлар кўзга ташланаётир. ЎзМТДП Сайловолди дастурида, хусусан, **миллий ху-**

нармандчиликнинг барча турларини, сервис соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бирок депутатлик гуруҳи тумандаги хунармандлар, касаначилардан иборат партия электратни манфаатини ҳимоя қилишда амалий иш кўрсатмапти. Ваҳоланки, бу борада туманда камчилик, муаммо оз эмас...

ЎзМТДП Сайловолди дастурида «Давлат ҳокимияти вакилилик органларида кўпчилик ўринини эгаллаш орқали ўз тарафдорларининг манфаатларини ҳимоя қилиш партияси-нинг муҳим вазифасидир, бинобарин айни кўпчилик ўринини эгаллаш партия ўз дастурий мақсадлари ва вазифаларини имкон қадар тўла-тўқисини рўёбга чиқариши имконини беради», деб белгиланган.

Бирок Боёвут туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи фаолияти билан танишган киши ўйлаб қолиши табиий: сон бўлган билан шунга яраша иш ва нажга бўлмаса, бундан кимга фойда?..

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

Маҳаллий Кенгашлар фаолиятдан

ҚОНУН ИЖРОСИ

депутатлар назоратида

Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссия ҳудудий ва тармоқ дастурлари ижроси борасида вилоят соғлиқни сақлаш тизимида қилинаётган ишларни изчил мониторинг қилиб келмоқда.

Ўтган йили комиссиянинг иш режасига кўра, Хонқа туман Кенгаши билан қўшма сессия ўтказилди. Унда «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонун ижроси бўйича туманда амалга оширилган ишлар натижаси муҳокама қилинди.

Бундан олдин мазкур комиссия тузган ишчи гуруҳи ва масалани атрофлича ўрганиб чиқди. Маълумки, «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонун 2007 йил кучга кирган. Қонуннинг мақсади — йод етишмаслиги касалликлари профилактикасида давлат ҳамда мутасадди ташкилот ва муассасалар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қонуннинг Хонқа туманидаги ижроси ўрганилганда, барча жиҳатлар эътиборга олинди. Хусусан, йод танқислиги касалликларига чалинган беморларни даволаш, истеъмол бозорини йодланган туз ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитиш, уларнинг сифати, хавфсизлиги ва сақлаш шароитлари кўриб чиқилди.

Шунингдек, болалар ва туғиш ёшидаги аёлларнинг йодли препаратлар билан таъминланишига эътибор қаратилди.

Айтиш жоизки, туман аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари ва йодланган туз

билан таъминлашда темир моддаси билан бойитилган ун маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Хонқа дон маҳсулотлари» акциядорлик жамияти ҳамда йодланган туз тайёрловчи «Хонқа биллур селт» хусусий корхонаси фаолияти муҳим ўрин тутди.

Туман тиббиёт бирлашмаси мутахассислари 2011 йил давомида туғиш ёшидаги 42008 нафар аёлни тиббий кўриқдан ўтказган. ЭГЗ касалликлари аниқланган аёллар профилактик ҳисобга олиниб, соғломлаштириш ишлари олиб борилган.

Таълим муассасаларида мутахассислар иштирокида йод танқислигига сабаб бўлувчи омиллар ва уларнинг олдини олишга бағишланган тушунириш ва тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилган. Барча таълим масканлари йод танқислиги, унинг салбий оқибатлари тўғрисида маълумот берувчи буклет ва қўлланма, видеолавларни дисплей билан таъминланган.

Айниқса, туман санитария ва эпидемиология назорати маркази ходимлари билан ҳамкорликда мактабларда ош тузининг йодланганлик

меъёрини аниқлаш бўйича ўтказилган ўқув машғулотлар яхши самара бераяпти.

Айтиш жоизки, туманда «Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини таъминлаш борасида ҳали қилинадиган ишлар оз эмас. Масалан, савдо дўконларида, деҳқон бозори ҳудудида йодланмаган ош тузини сотиш ҳолатлари аниқланди.

Шунингдек, қишлоқ врачлик пунктларида Қонун ижроси юзасидан тушунириш ишлари яхши йўлга қўйилмаган, бу борада жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорлик ўрнатилмаган.

Доимий комиссия ва Хонқа туман Кенгашининг қўшма йигилишида бу камчиликлар, уларнинг келиб чиқиши сабаблари атрофлича таҳлил қилинди. Қонун ижросидаги суғинашликни бартараф этиш юзасидан қарор қабул қилинди. Тегишли тавсиялар ишлаб чиқилиб, туман ҳокимлигига тақдим этилди.

Эгамберган КАРИМОВ, Ўзбекистон Қоҳрамони, Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари доимий комиссияси раиси, ҲХДП депутатлик гуруҳи аъзоси.

Тадбир

Янги иш ўринлари, иқтисодий кўмак

оила фаровонлигига хизмат қилади

Нукус шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан «Тадбиркорлик — мустақкам оила пойдевори» мавзусида бизнес-форум ташкил этилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Б.Янгибоев, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки бошқарув раисининг биринчи ўринбосари У.Мустафоев нутқ сўзлаб, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимизнинг бугунги ва келажак тараққиёти, фаровон ҳаётимизнинг мустақкам таянчига айланаётганини, ушбу бизнес форум ҳам мазкур соҳани ривожлантириб, оилалар фаровонлигини таъминлашга қаратилганини алоҳида таъкидлади.

Банк — тадбиркор таянчи ва суянчи, — дейди «Нукус балиқ» масъулияти чекланган жамият раҳбари Нурмуҳаммет Примбетов. — Фаолиятимизни ривожлантиришда «Асакабанк»нинг хизматидан кенг фойдаланиб келмоқдамиз. 2011 йилда банкнинг 400 миллион сўм кредити эвазига балиқ етиштирадиган ховузимизни реконструкция қилди. Сув тозалаш қурувларини алмаштирдик. Ўтган йили 1,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Бунга юртимизда тадбиркорларга яратилган қулай шароит, қолаверса, «Асакабанк»нинг молиявий кўмаги турфайли эришдик. Биз олган кредитимиз ҳисобига халқимизнинг парҳез таомларига бўлган эҳтиёжини қондириб, балиқ маҳсулотлари билан таъминлашни

янада кенгайтираёلمиз. Бизнес-форумда иштирок этган Республика тижорат банклари раҳбарлари тадбиркорлик субъектлари томонидан банк филиалларига тақдим этилган, 5 та номинация бўйича голиб деб топилган 71 та лойиҳа эгаларига 7 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳақида сертификатлар топширишди.

Тақдим қилган лойиҳамиз мақул қўрилганидан хурсандимиз, — дейди Миллий банк миқозларидан бири «Алфарбек» масъулияти чекланган жамият раҳбари Фарҳод Алламбергенов. — Эндиликда мазкур кредитни мақсадли сарфлаб, ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Халқимиз дастурхонига сифатли қандолат маҳсулотлари етказиб бериш ниятидамиз.

Банк — илк фаолиятини бошловчиларга молиявий кўмакчи, — дейди Эллиқалъа туманидаги «Ахмад Кўргон» фермер ҳўжалиги раҳбари Амант Мамбетов. — Ҳўжалигимиз чорвачиликка ихтисослашганлиги учун бизнес лойиҳамизни шу йўналишда ишлаб чиқдик. Лойиҳа асосида фаолиятимизни кенгайтириб, наслдор моллар ва парранда боқилиши йўлга қўймоқчимиз.

Савдо-сотикдан кўра ишлаб чиқариш сердаромад соҳа, — дейди «MALIKA DIZAYN NOKIS» масъ-

улият қечланган жамият раҳбари Гўзал Сапарбоев. — Биз бозорни ўрганиб чиқдик. Узимиз маҳсулот тайёрлаб сотиб ҳам кўрдик. Ишлаб чиққан бизнес лойиҳамизни «Асакабанк»ка тақдим қилдик. Мана, лойиҳамиз истиқболли деб топилди, имтиёзли кредит олишимиз учун сертификатга эга бўлдик. Кредит маблағини цех қурилиши ва тикув машиналари сотиб олишга сарфламоқчимиз.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва оилалар фаровонлигига эришишда тадбиркорликнинг ўрни катта, албатта, — дейди Марказий банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси бош бошқармаси бўлим бошлиғи Азамат Абдикаримов. — Мазкур бизнес-форумнинг «Тадбиркорлик — мустақкам оила пойдевори» деб номланиши ҳам бежиз эмас.

Жорий йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, шу йўналишдаги бизнес лойиҳаларга кўпроқ кредит маблағларини йўналтириш режалаштирилмоқда. 2012 йилда Қорақалпоғистонда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 14,8 млрд. сўм, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга 1,3 млрд. сўм, хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришга 22,4 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, Файратжон ОТАЖОНОВ.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

ОЧИҚ ОФЕРТА САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ ОЧИҚ ОФЕРТА САВДОСИГА ТИФ Миллий банкнинг қўйидаги корхоналар устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:

Table with 6 columns: T/p, Offer description, Location, Shareholding, Bid amount, and Bid price. It lists three offers for shares in various companies.

Оферта савдосида иштирок этиш тартибда талабдорлар ўрнатилган тартибда тўлдирилган бюртоманомаларни Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкига тақдим қилдилар ва мақбул бўлишига қилинган асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини Ўзбекистон Республикаси Миллий банкнинг БХКМдаги ҳисоб рақамига тўлайдилар: х/р: 2980100000000450047, МФО: 00450, СТИР: 200836354.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомалалда валюта (АҚШ доллари)да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади. Оферта тақлифларини қабул қилиш муддати 2012 йил 23 март кўни Тошкент вақти билан соат 18:00 да тўхталади.

Оферта тақлифлари тақдим этилган конвертларни очиб ва оферта савдосини ўтказиш билан боғлиқ музока-

ралар 2012 йил 26 март кўни Тошкент вақти билан соат 11:00 да ТИФ Миллий банкда амалга оширилади.

Тақлифларни очиб вақтида оферта савдосида ўрнатилган тартибда қатнашаётган талабдорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Оферта савдосида энг мақбул тақлиф киритган талабгор оферта голиби деб топилди.

Тўловларни амалга ошириш тартиби:

Олдиндан тўлов — сотилиш баҳосининг қамиди 15% миқдорда, қолган қисми — олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда.

Объект миллий валютада бўлиб бўлиб тўлаш шарт билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қўйимизнинг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб бўлиб тўлаш шарт билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қўйимизнинг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ доллари учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат бож ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Оферта савдоси ўтказилиши ва оферта ҳужжатларини тўлдириб билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкнинг Инвестиция фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш департаментига қуйидаги манзил бўйича муражаат қилиш мумкин:

100084, Тошкент шаҳри, Амир Темуру шох кўчаси, 101-уй. Тел: (8-371)234-11-22; 234-15-60. Факс: (8-371)234-44-38. www.nbu.com.

Ўз-ўзини танқид

ДЕПУТАТЛАР ФАОЛ ВА ТАШАБУСКОР БЎЛСА

электорат манфаат кўради, партиянинг хайрихоҳлари кўпаяди

Сиёсий партияларнинг куч ва салоҳияти кўп жиҳатдан депутатлик гуруҳлари амалга ошираётган ишлар билан белгиланади. Депутатлар уйғоқ, фаол ва ташаббускор бўлса, партия электорати шунча мустақкам ҳимояланади, хайрихоҳлари кўпаяди.

Бугунги кунда Жиззах вилоятидаги халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларида ЎзХДПдан сайланган 126 депутат фаолият олиб боради. Улар аҳоли турмуш фаровонлигига хизмат қилувчи кўплаб масалаларни ўрганиб, маҳаллий Кенгашлар сессияларига олиб чиқаяпти. Уларнинг ёрдами билан аҳолидан тўшаётган муражаатлар тегишли ташкилотлар орқали ҳал этилмоқда.

Халқ депутатлари Зафаробод туман Кенгашида ЎзХДПдан сайланган 8 нафар депутат фаолият юритади.

— Гуруҳимиз, аввало, қонунчиликдаги ўзгаришлар ва янгиликлар мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди депутатлик гуруҳи раҳбари Жаҳалбой Қувондиқов. — Ислохотлар қанчалик самарали бориши, шубҳасиз, депутатларнинг халқ орасига кириши, жойлардаги муаммоларни қай даражада ўрганиши ва қонун берган ваколатлардан самарали фойдалана олишига боғлиқ.

Депутат доимий изланиши, электоратни ўйлантираётган муаммоларни изчил ўрганиб бориши зарур. Шу ўринда бир жиҳатга эътибор қаратиш керак, деб ўйлайман. Бу — халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашларидаги депутатлар билан Олий Мажлисга сайланган депутатларнинг ўзаро ҳамкорлиги масаласидир. Чунки жойларда юзага келаётган масалаларни малакали ўрганиши ва Олий Мажлис муҳокамасига кириштириш аниқ шундай муаммоларни қай даражада ўрганиши ва қонун берган ваколатлардан самарали фойдалана олишига боғлиқ.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да ҳам депутатларимиз томонидан қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Партияимиздан сайланган депутатлар ташаббуси билан жойларда қўшимча иш ўринлари яратилиши, хусусан, қасанчалар билан маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги шартномавий муносабатлар янада такомиллаштирилди.

Бу эса, ҳудудий ривожлантириш дастурларига қўшимча фуқароларни меҳнатга жалб этиш имконини бермоқда. Шу орқали ички бозор ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар билан янада бойиммоқда.

Депутатлик гуруҳи туман партия кенгаши билан ҳамкорликда йод тадбирлар ўтказмоқда. Президентимиз илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва

Аммо вилоятнинг Арнасой ва Зомин туман Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан электорат манфаатидан келиб чиқадиغان биронта ҳам ижтимоий масала ёки муаммони туман Кенгаши сессияси, доимий комиссиялар муҳокамасига киритган эмас.

фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»ни ҳаётга татиб қилишда партия ташкилотини ва депутатлик гуруҳларининг иштироки масаласига бағишланган қатор давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ташкил этилди.

— Ҳисобот даврида туман Кенгашининг 5 та сессияси бўлиб ўтди, — дейди депутатлик гуруҳи раҳбари Баҳор Жумабоева. — Уларда жами 21 масала муҳокама қилинди. ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан Галлаорол туманидаги қайта ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш ҳисобига истеъмол бозорини сифатли кишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириб бўйича амалга оширилган ишлар ҳақидаги масала сессияда муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да ҳам депутатларимиз томонидан қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Партияимиздан сайланган депутатлар ташаббуси билан жойларда қўшимча иш ўринлари яратилиши, хусусан, қасанчалар билан маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги шартномавий муносабатлар янада такомиллаштирилди.

Бу эса, ҳудудий ривожлантириш дастурларига қўшимча фуқароларни меҳнатга жалб этиш имконини бермоқда. Шу орқали ички бозор ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар билан янада бойиммоқда.

эмас. Депутатларнинг айримлари аҳоли билан учрашувларни изчил ташкиллаштирмайди, айримлари эса номига учрашув ўтказди.

2011-2014 йилларга мўлжалланган ЎзХДП Ҳаракат дастурида Арнасой туман Кенгашидан депутатлик гуруҳи зиммасига 2011 йилнинг биринчи чорагида тумандаги спорт мажмуасини таъмирлаш ишларини тугаллашга ёрдам кўрсатиш белгиланган эди. Шунингдек, йилнинг иккинчи чорагида кишлоқ тиббиёт муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашда ёрдам кўрсатиш бўйича қатор ишлар режалаштирилган. Афсуски, Ҳаракат дастурида белгиланган мана шу режалар ҳам бажарилмаган.

Шу ўринда бир масала устида чуқурроқ ўйлаб кўриш зарурга ўхшайди. Партияимиз туман, шаҳар ва вилоят кенгашлари ёки депутатлик гуруҳлари иш режасида белгиланган олинган масалалар қай даражада долзарб, эълондор манфаатига қай даражада яқин?.. Ёки бу вазифалар қайси йўл билан ҳал қилиниши ҳақида тасаввурга эгамизми?..

Шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги давр ҳам бир вазифа аниқ ва мантқиқли, қатъий бўлиши тақозо этади. Акс ҳолда, режа ҳам, ижроси ҳам мавҳум бўлиб қолади. Одамларнинг биз тўғримиздаги фикри ҳам шунга яраша бўлади. Бундай ҳоллар билан ҳеч қачон келишиб бўлмайди.

Гулрўх ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

БАНК ХИЗМАТИДАН МИННАТДОРМИЗ

гейишмоқда «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Фарғона минтақавий филиали миқозлари

Бизнинг «Оптириқ маҳсус қурилиш Файз» масъулияти чекланган жамиятимиз «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Фарғона минтақавий филиалидан олган молиявий мадади эвазига технология усуласи харид қилиб, аҳолига сифатли ва шифобахш қадоқланган ичимлик суви ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Эндиликда ойига 520 минг донга турли ҳажмда қадоқланган ичимлик суви ишлаб чиқариш имкониятига эгамиз. Эйтиборлиси, ишлаб чиқариш жараёнининг 70 фоизи автоматлаштирилган тизим орқали бошқарилади. Бу эса ўз навбатида оддий ва тез ишлаш учун қулайдир.

Корхонаимизда технологлар ва ишчиларнинг малакаларини ошириш учун барча имкониятлар мавжуд.

Қувонарлиси, олтириқлик 13 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Истиқболда жамиятимиз янги маҳсулот турлари ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари очиб, корхонани модернизация қилиш борасида ҳам бир қатор ишларни амалга оширишни режалаштирган. Бу борада бизга доимий ҳамкоримиз «Ўзсаноатқурилишбанк» мададкор бўлишига ишончимиз

Адилбек ХАЛИКОВ, «Оптириқ маҳсус қурилиш Файз» МЧЖ раҳбари.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимиятида 2010 йил 26 ноябрда реестр № 006462 рақами билан рўйхатдан ўтган «SAPSAN GROUP» МЧЖ (ИНН 301536336, ОКОНХ 15271) ТУГАТЛИҚИ

Барча даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мuddат ичида қабул қилинади. Телефон: 337-56-35.

«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банк бошқаруви, касба-ушумаси ва жамоаси Банк методологияси ва трейнинг маркази бўлиши бошлиғи Сайёра Юлдашева онаси УСТАМОЙ МАМАТКУЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур тазвия изхор этади.

Баркамол авлод орзуси

# МАКТАБДАГИ ТЎГАРАКЛАР ФАОЛИЯТИ

## таълим-тарбиянинг муҳим бўғини

■ Зоҳида Раҳматуллаева Жиззах туманидаги 19- умумтаълим мактабининг 6-синфда ўқийди. Тиришқоқ ва қизиқувчан бу қизнинг мактабдаги «Моҳир қўллар» тўғараги машғулотларига қатнаш бошлаганига бир неча ой бўлди.



Донгул Жўраева олган сурат.

— Бу ерда ўрганганларим асосида тиккан биринчи нақшли каштамини дадамга кўрсатганимда, у киши бу гулларни ростдан ҳам ўзинг тикдингми, чевар қизим, дея мени мактади, — дейди у. — Бу гаплардан хурсанд бўлдим ва келажакда, албатта, моҳир тикувчи-дизайнер бўлишга қарор қилдим. Садоқат Исроилова раҳбарлик қилаётган бу тўга-

рақнинг 32 нафар аъзоси бўлиб, улар дарсдан кейин тикиш-бичиш, нақш солиш, дизайнликнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганишарди. Машғулотларда мактаб ўқувчилари билан бирга, маҳаллада истиқомат қилаётган бошқа қизлар ҳам қатнашмоқдалар. Бу ерда улар миллий каштачилик сирларини, матодаги нақшларни бисер билан тикиш, мунчоқлардан турли хил буюмлар, кўғирчоқлар ясашни ўрганишарди.

— Болани ёшлигидан илмга қизиқтириш, хунарга ўргатиш, меҳнат қилишга одатлантириш, жисмонан чинқириш нафақат унинг ўзи, балки оиласи ва жамият учун ҳам фойдали, — дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ҳасанбой Эргашев. — Шунинг учун ўқувчиларни дарсдан кейин илм ва хунар ўрганишга жалб қилишимиз керак.

Музыка ва санъат ихлосмандларини бирлаштирган «Булбулча», кўча ҳаракати қондаларини ўргатувчи «Еш назоратчи», информатика йўналишидаги «Ахборот ва компьютер технологиялари», кимё фанига қизиқувчиларни тўплаган «Еш кимёгарлар», шохмат-шашка, бадий гимнастика, кураш каби тўғарақларда ўқувчилар иштиёқ билан шуғулланмоқда.

**Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
муҳбири.

Спорт



# БАРЧАСИ ТОШКЕНТДА ҚАЛ БЎЛАДИ

■ Футбол бўйича Лондон олимпиадаси Осие минтақаси учинчи босқич саралаш учрашувлари бўлиб ўтди. Мусобақанинг «В» гуруҳида иштирок этаётган Ўзбекистон олимпия терма жамоаси навбатдаги турда Ироқ футболчиларига қарши майдонга тушди.

Доҳада ўтказилган мазкур баҳснинг 22-дақиқасида Фозил Мусаев рақиб дарвозасини ишғол этди. Биринчи бўлим охирида ироқликлар пенальтидан ҳисобни тенглаштиришди. Аммо ўйин тугашига санокли дақиқа қолганида вакилларимиз ўз дарвозаларидан яна бир бор тўп ўтказиб юборишди — 1:2.

Учрашув низоҳасига етган, ҳар иккала жамоа бош мураббийлари журналистлар саволларига жавоб берар

экан, ўйин ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

— Афсуски, футболда шунақаси ҳам бўлиб туради, — деди Ўзбекистон олимпия терма жамоаси бош мураббийи Вадим Абрамов. — Биринчи бўлимни яхши бошлаганимиз билан мағлубиятга учрадик. Шунга қарамай, умид қиламанки, бугунги вазият жамоамиз руҳини синдира олмайди. Олимпияда яна бир ўйин бор ва унда ғалаба қозониб, гуруҳ-

да биринчи бўлиш учун кўлимиздан келган барча ҳаракатни қиламиз.

— Биз Осиенинг энг кучли жамоаларидан бирига қарши майдонга тушдик ва кутилган натижани қўлга киритдик, — деди ироқликлар бош мураббийи Роззи Суадий. — Ироқ футболчилари Лондон олимпиадаси йўланмаси учун курашдан чиқиб кетган бўлса-да, биз ишқибозларга аслида ким эканлигимизни кўрсата олдик.

Эслатиб ўтамиз, гуруҳнинг сўнгги тур учрашувлари 14 март куни бўлиб ўтади. Шу куни Австралия олимпиячилари ўз майдонида ироқликларни қабул қилса, Тошкентда вакилларимиз БАА олимпия терма жамоасига қарши майдонга чиқадилар. **Эркин ХОЛБОБО**

# БАДИЙ ГИМНАСТИКА МАРКАЗИ

Каттақўрғон шаҳридаги 17-ихтисослашган мактабда бўлган киши яратилган шароитларни кўриб, кўзи қувнайди.

Бу ерда ўқувчи-ёшларнинг чуқур билим олиши баробарида спорт билан мунтазам шуғулланиши учун барча шароит яратилган. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан бунёд этилган мактаб қошидаги спорт мажмуасида 217 ўғил-қиз бадий гимнастика, бокс, волейбол, шахмат-шашка, стол тенниси, оғир атлетика билан мунтазам шуғулланмоқда.

Бадий гимнастикани ривожлантириш мақсадида 2010 йили мазкур мажмуадаги бадий гимнастика тўғараги кенгайтирилиб, Каттақўрғон шаҳар бадий гимнастика марказига айлантирилди. Ҳозир бу марказда 43 қиз сабоқ олмақда.

Суратда: ёш гимнастикачи Зарина Хайруллаева.

Болалар спорти



Алтиер ИСРОЙЛОВ (ЎЗА) олган сурат.

■ Сурхондарё вилояти қишлоқларида намунавий лойиҳа асосида замонавий уй-жойлар қуриш жадал давом этмоқда. Бунда албатта мамлакатимиз раҳбарининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига қўлама ни кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

# Замонавий уй-жойлар

2010 йил вилоятда 660 та яқна тартибда уй-жой қурилган бўлиб, 2011 йил воҳанинг 14 та туманида яна 675 та замонавий уйлар қад кўтарди.



Яқинда Шўрчи туманидаги «Ёш ғайрат» маҳалласида 45 та ҳужалик аъзоси янги уйга қўнуб ўтди. Мўъжаз маскандаги иншоотларнинг 10 таси икки қаватли бўлиб, 4 хонани ташкил этади. 22 та уй-жой 5 хонали, 13 таси эса 4 хоналидир. Уни «Шўрчи махсус қурилиш таъмир» ҳамда «Одилшер-ТШЭ» хусусий фирмалари қурувчилари бунёд этишди.

— Кўркам уйлари кўрган кишининг ҳаваси келади, — дейди Инобат Йўлдошева. — Тоza ичимлик суви, узлуксиз электр қуввати, «зангори олов» дейсизми, ҳаммаси муҳайё.

Қишлоқларда бунёд этилаётган бундай замонавий турар-жойлар уларга фойда киритмоқда.

Ўз муҳбиримиз

Огоҳликка даъват

# ХАТАРЛИ ЙЎЛ

## ундан юрган киши оиласини, бахтини, ҳаётини бой беради

■ Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари дунё аҳолиси орасида гиёҳванд моддалар истеъмоли тобора ортиб бораётганини, «аср вабосини» етиштириш ва тарқатиш кўпаяётганини маълум қилди. Масалан, Афғонистонда сўнгги уч йилда гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш бир неча баробарга ошган. Мамлакатдаги 200 га яқин лабораторияда йилга 700-800 тоннагача «опий» тайёрланмоқда. Бу жаҳон бўйича умумий гиёҳванд модданинг 90 фоиздан ортинини ташкил этади. Бугун Европа ва жаҳон қора бозорларида сотилаётган героиннинг тўртдан уч қисми мана шу мамлакат ҳиссасига тўғри келади.

Илгари «афғон афюни» асосан Покистон ва Эрон орқали Европага етказиб берилган, кейинги йилларда наркотикичилик Марказий Осие мамлакатлари орқали ўтишга уринишмоқда. Улар асосан уч йўналишда ҳаракат қилади. Сурхондарё вилояти Афғонистон ва Тожикистон билан чегарадош, шу боис, дастлаб шу йўлдан ўтишга уринади. Иккинчи йўналиш — Тошкент, Хоразм вилояти орқали Қозғистонга, ундан Россияга чиқилади, шунингдек, Тошкент, Самарқанд ва Сирдарё вилояти, ундан Қозғистон ва Россия орқали Европага олиб чиқилади.

«Кулфат» қарвони ёриб киришга уринади. 2011 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ёвуз ният билан сарҳадларимизга дахл қилган ўндан ортиқ тажавузчи фош этиб, бир неча юз килограммдан ортиқ гиёҳванд моддаларни мусодара қилди.

2011 йилнинг 30 март куни Сурхондарё вилояти МХХ бошқармаси ходимлари ўтказган тадбирда деновлик Хусниддин Ниёзов, Қаюм Холмирзаев ва Жамшид Бобобарипов қўлга олинди. Бу жиноий гуруҳга тожикистонлик «Фурқат» лақаби шалх контрабанда йўли билан 24 килограмму 58 грамм опий гиёҳвандлик моддаси етказиб берган. Оғурурушлар бу молни «Камаз» автоуловни, икита «Жигули» ва 1000 АҚШ долларига айирбошламоқчи бўлган. Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар

суди 2011 йил 7 июндаги ҳукми билан бу жиноий гуруҳ аъзоларини 16 йилдан 18 йилгача озодликдан маҳрум этди.

Ўтган йилнинг 11 март куни соат 17.00да Афғонистоннинг Балх музофоти, Шўртела ўлкасида яшовчи Якуб Муҳаммадқул ўғли ҳам 2 килограмм 140 грамм опий билан чегарачилар томонидан ушланди. Унга Мурод исмли ҳамюрти «юкни Ўзбекистонга ўтказиб берса, 500 доллар ваъда қилган экан. Шу мақсадда Амударёдан сузиб ўтган гиёҳванд-фуруш «сафари»га чегарачилар чек қўйди. Жиноят ишлари бўйича Термиз туман судининг ҳукми билан у 18 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди...

— Биринчи бор наркотик моддани қизикчи туфайли татиб кўрганларнинг кўпчилиги 16 ёшдан 35 ёшгача бўлган кишилардир, — дейди психолог олим Тошпўлат Жўраев. — Шундан сўнг усмир унинг «қўлига айланади, топиб чекмаса, хумори босилмаса, дармони қурийдди, кўз қорачиги кенгайди, юрак уриши тезлашади, кўнгли айнийдди. Бундай пайтда оғиздан сўлак оқади, терлайди, уйқусизлик азоб беради. Ана шундай оғир аҳволда касалхонага олиб келинган бемор терга ботиб, аъзойи бадани тиришади.

— Ўтган минг йиллик охирига келиб, гиёҳвандлик инсониятни ларзага сола бошлади, — дейди болалар шифокори Умарали Мелибо-



ев. — Ҳозир уни истеъмоладан қилади-ган тоифа сони йил сайин ўсиб бормоқда. Қисқа вақт ичида 20 миллиондан ортиқ киши шундан ўлим топиб, минглаб майиб-мажрўҳ болалар дунёга келди.

— 1901 йилдаёқ рус руҳшуноси С.Корсаков наркоманларда энгилтақлик, ёлғончилик ва ахлоқий бузуқлик устун бўлишини аниқлаган, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Зайниддин Мирзаев.

— Афюно, наша, марихуана, кокаин каби гиёҳванд моддалар наркоманияни келтириб чиқаради. 2011 йил 21 февраль куни Эрондан Тожикистонга ўтаётган 235-12007-вагон Сариосие темир йўл божхона масканида текшириб кўрилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 4 майдаги қарорига эйд равишда тегишли ҳужжатларда қайд этилмаган қарийб 4 миллион сўмлик «Pheoabial-100» психотроп моддалар борлиги аниқланди.

— Бугун гиёҳвандлик инсониятга таҳдид солаётган глобал муаммага айланган, — дейди сибсатшунослик фани ўқитувчиси Юсуф Валиев. — Халқаро терроризм, ушган жиноятчилик ва ақидапарастлик руҳидаги гуруҳларнинг молиявий манбаси асосан гиёҳванд моддалар савдоси экани, бу эса трансмиллий аҳамият касб этаётгани ташвишланарли, албатта.

Шу боисдан мамлакатимизда нар-

котик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш қатъий тус олган, зарур қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилган. Хусусан, халқаро мажбуриятларни бажариш мақсадида 1999 йил «Наркотик воситалар ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниб, ҳаракат стратегияси ишлаб чиқилди. Наркотик моддаларни назорат қилиш бўйича давлат комиссияси тузилди. Шунингдек, жойларда минтақавий комиссиялар ташкил этилиб, маҳаллий давлат органлари, жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ҳамда фуқароларнинг наркотик моддалар савдосига қарши кураши мувофиқлаштириб борилмоқда. Бу борадаги амалий ҳаракатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддаларни ғайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенцияси ижросида самарали восита бўлиб хизмат қилмоқда...

Гиёҳвандликка қарши кураш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки барчамизнинг бурчимиз. Кези келганда, шуни ҳам айтиш керакки, нотоза ҳаёт кечирган киши гиёҳвандликка йўлқанда, оиласи ва қариндош-уруғи бошига кулфат олиб келади. Унинг умрига зомин бўлади. Энди ўзингиз уйланг, гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланаётган, уни тирикчилик манбаига айлантирган кимсалар қанча тинч оилаларни емиради, қанча кишиларнинг оёйишга ҳаётини бузиб ташлайди. Энг аянчли томони, улар насл софлигига путур етказди. Шунинг учун ҳам атрофга ҳушёр боқиб, бу балодан ёшларимизни вақтида асрасак, қўни-қўшинини эҳтиётликка ундасак, кўп кулфатларнинг олдини олган бўламиз.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**  
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ОБ-ҲАВО 21-22 - 02. 2012

Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	-3 / -8
Бухоро ва Навоий вилоятлари	-5 / 0
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари	-5 / 0
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари	0 / -5
Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари	-5 / 0
Тошкент шаҳри	-5 / 0

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон	+11 / +2
Париж	+5 / +9
Москва	-8 / -2
Мадрид	0 / +1
Пекин	-2 / -2
Гонгконг	+18 / +17
Рим	+4 / +3
Анкара	-8 / -7
Токио	+4 / +6
Стокгольм	-2 / -2
Кейптаун	+15 / +14
Қоҳира	+12 / +10
Гавана	+24 / +25
Вашингтон	+4 / +8

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят ва Чирчиқ шаҳар Кенгашилар халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши депутати, «Ўзбекиммемаш» ОАЖ боши директорининг биринчи ўринбосари Қажрамон Рашитовга турмуш ўртоғи **Умирнисо РАШИТОВА**нинг вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

**MUASSIS:**

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

**TANHIR HAY'ATI:**

- |                      |                             |                     |
|----------------------|-----------------------------|---------------------|
| Abdulla ORIPOV       | Ulug'bek MUSTAFOYEV         | MUHIDDIN MUHIDDINOV |
| Latif G'ULOMOV       | Tat'yana KISTANOVA          | Ochilboy RAMATOV    |
| Bobir ALIMOV         | (Bosh muharrir o'rinbosari) | Saidahmad RAHIMOV   |
| Sharbat ABDULLAYEVA  | G'affor HOTAMOV             |                     |
| Murodulla ABDULLAYEV | (Bosh muharrir o'rinbosari) |                     |

**BO'LIMLAR:**  
Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

**MANZILIMIZ:**  
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.  
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.  
\*Sharq\* nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.  
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz  
Г — 246  
19943 nusxada bosildi.  
t — Tijorat materiallari  
O'zA yakuni — 21.00  
Topshtirilgan vaqti — 00.00  
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: **To'liq TO'RAONOV**  
Sahifalovchi-dasturchilar: **Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV**

ISSN 2008-7633  
1 2 3 4 5